

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI

NIZOMIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT PSIXOLOGIKA UNIVERSITETI  
HARBIY TA'LIM FAKULTETI

«AKADEMIYALAR, KASB - HUNAR  
KOLLEJ VA UNIVERSITETLARDAKI TA'LIM MUASSASALARIDA  
CHAQIRIQQACHA YOSHLAR BOSHLAG'ICH  
TAYYORGARLIKNI TA'ZIB MUAMMOLARI» VA

«CHAQIRIQQACHA YOSHLARGA YO'NALTIRILGAN  
AXBOROT - PSIXOLOGIK XURUJLAR HAMDA  
MA'NAVIY TAHDIDLAR»  
MAVZULARIDAGI

## **ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI TO'PLAMI**

2019-yil 24-may



## ЧАҚИРИҚҚАЧА ЁШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА АМИР ТЕМУР МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Очил Бўриев - Қарши Давлат университети профессори  
Асилбек Хўжаёров - Қарши Давлат университети ўқитувчиси  
Руслан Аманов - Низомий номидаги ТДПУ харбий таълим факультети  
ўқитувчиси, резервдаги подполковник

*"Қашқадарёнинг шонли тарихи ҳақида гап кетганда, ҳеч шубҳасиз, аввало  
буюк соҳибқирон Амир Темури бобомизни ёдга оламиз"*<sup>22</sup>.

Ш. Мирзиёев

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши кўп асрлик тарихга эга. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темури даврида бу соҳа анча раванк топган. Темурийлар салтанатида ўсмирларни ёшлигидан жисмоний камолотига катта эътибор берилган. Буни улуғ бобокалонимиз Амир Темури хонадонида ҳам бўлганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди.

Маълумки, Темурибегнинг отаси Муҳаммад Тарағай Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос кавмидан чиққан обрўли беклардан бири бўлиб, Чигатой хонларидан Қозонхон (1338-1346) лашкарида хизмат қиларди. Онаси Такина бегим наслу насаб жиҳатдан аслзодалардан бўлиб, бухоролик машхур факих «Тоғуш-Шаръи» таҳаллуси билан танилган Убайдулла ибн Масъуднинг авлоди эди.

У жаҳонга ҳукмдор бўладиган фарзандли бўлиши ҳақида биринчи бўлиб авлиё шайх Кулолдан эшитган эди. Муҳаммад Тарағай ўғлининг илм олишга жуда катта эътибор берди. Темурибек тўққиз ёшга тўлганда, Кешдаги барча уламо ва фозилларни чақириб, имтиҳон қилишларини сўради. Синовда Темурибек ҳаммани ҳайратда қолдирди. Унинг илми ва донолигидан мамнун бўлган улуғлар Темурибек номига «хофиз» унвонини кўшиб бердилар. Ваҳоланки, айрим инсонлар бир умр илм олиб, шарафли бу номга сазовор бўлишолмайди.

Амир Темури бунчалик илмни қасрдан олди, деган саволга Кешдаги мадрасаларда ёш тоғиларнинг билим олишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлганлигини айтиш қифоя. Мадраса ва тоғилар вақф жамғармаси ҳисобидан маблағ билан таъминланар эди. Бу эса ўқув услубларининг такомиллаштиришга ҳам катта ёрдам берар эди.

<sup>22</sup>Ш. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: "Ўзбекистон", 2017.

Тўққиз ёшли Темурбек Қуръонни қаримни ёд олган, беш вақт намозни қанда қилмайдиган, мактабдаги барча ўқувчиларга бошлик бўлган обрўли Темур эди. Аслида унинг саводини чиқаришга анча олдин киришган эдилар. Ёшнинг ҳаққонийлигини қадимги шайхлар хам тасдиқлайди. Милоднинг 605-617 йилларида Самарқандда бўлган хитой сайёҳи Вей Цзенинг шохидлик беришича, туркийларда ўғил болаларга беш ёшга тўлганидан бошлаб, савод ва ҳисоб ишлари ўргатилади. 20 ёшга етганларида савдо-сотик учун чет элларга юбориладилар. Мадрасага келган талаба сўзлар жадвалининг фарқига бориши, ўқий бошлаши лозим эди. Сабокдошларига бош бўлишининг ўзи хам Темурбекка ана шу удум асосида таълим-тарбия беришганини исботлайди.

Темурбекнинг 14 ёшида Кеш шаҳридаги Абдулла Қутб мадрасасида тахсил ола бошлагани ҳақида машҳур асарлар каби маълумотлар мавжуд. Ана шу ерда у бошқа машҳур асарлар каби «Гулшани роз» («Сирлар гулшани») китобини хам ёд олган эди. Орадан йиллар ўтиб, Турон султони Амир Темур Озарбайжондан ўтаётганда, Шабустар деган кишлоқ диққатини тортади. Унинг буйругига кўра, кишлоқ ҳақида суриштириб кўрганларида, бу ҳақиқатан хам шоир Махмуд Шабустарийнинг шу ерда яшаганлиги аниқланади ва шоирнинг қабри хам шу ерда эканлиги маълум бўлади.

Амир Темур гарчи вақти тигиз бўлса-да, шоир хотираси хурмати учун унинг қаровсиз қабрини бориб кўради ва Қуръон тиловат қилади хамда маҳсул фармон бериб, у ерда мўъжаз мақбара қурдириб, атроф ерларни вақф тариқасида беради. Кишлоқда истикомат қилаётган 3891 нафар кишига 5 мисколдан олтин улашади. Бир мискол олтиннинг 5 граммга тўғри келишини ҳисоблаб чиқсак, бу умумий ҳисобда 19455 грамм, яъни қарийб 20 кило олтин демакдир. Тарихда биргина китоб учун битта шоирга шунча мурувват кўрсатган бундай олижаноб ҳукмдорни бошқа учратмайсиз. Шунингдек, Темурбек Жалолиддин Румий асарларини хам севиб ўқиган.

Шу ўринда Россияда нашр этилаётган «Наука и жизнь» журнали (2004 йил 4-сон) Самара вилояти Кўшк кишлоғида истикомат қилаётган 10-синф ўқувчиси Михаил Арнольдovнинг «Бир муҳораба сири» мақоласи учун йиллик мукофот соҳиби сифатида тақдирлаганини ёрқин мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу мақола «Тафаккур» журналининг 2005 йил 1-сонида босилиб чиққан эди (Таржимон М. Қаршибоев). Бундан ёшларимиз ибрат олиши лозим, албатта.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкирот уш-шуаро» асарида шундай ҳикоя қилинади: «Соҳибқирон 7 ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига меҳмонга борди. У киши бадавлат эди. Етмиш нафар турк ва хинд қули бор эди. Меҳмон шикоятга ўтиб деди: «Худо менга молу-давлат берди, лекин уни

сакланга ожизман, фарзандларим салохиятсиз бўлсалар, кулларимизнинг сабру тоқатлари йўк. Шу сабабдан молу-дунёимга нуқсон етмаса, деб кўркаман». Темурбек ганга араланиб деди: «Эй ота, фарзандларингга молларингни бўлиб бер ва уларни ўз молу мулкига дохил қилгинки, улар ўз-ўзлари билан овора бўлиб қилсинлар. Сўнг уч қулни бир қулниг ихтиёрига тошшир. Уларнинг ҳар бирини етмишдан қулниг амири қил. Кейин етмиш қулга бош бўлган еттига қулни бир-бирининг таъзим ва таърифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бирлари билан кўн суҳбатлашмасинлар». Мезбон ҳайратда қолиб, Мухаммад Тарагайга боқди. - «Бу фарзандинг жаҳонга подшо бўлади, чунки етти ёшда шундай фикрладими, унда кўн нарса қутти мумкин, - деди ва шу заҳоти қалам, қоғоз олиб келиб, Темурбекдан хат ёздириб олдики, давлат қуши бошига қўнғач, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин, уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар, қавми тархон қилинсин»<sup>23</sup> — деди.

Амир Темур олий ўқув юрти — мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлагандан сўнг таҳсилни Олий маъҳадда давом эттирди. Боланинг теран фикрлаш, юксак қобиляти устозларини лол қолдирарди. Темурбек унча-мунча талабаларни қийнаб кўядиган мураккаб масалаларни зумда ечар, унинг учун ҳар қандай вазифанинг ҳеч қандай қийинчилиги йўк эди.

Ўқиш давомида у жаҳон мамлакатларининг тарихи, ислом таълимоти ва ҳуқуқшунослигини, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия ва фалакиёт илмларини пухта ўрганди. Ўн саккиз минг олам, етти фалак борлигини, тириклик бир синов эканлигини тушуниб етди. Энг мухими, унинг маънавий олами бойиди: бир ўқиган нарсаси эсида маҳкам ўрнашиб қоларди, нафақат Қуръони қаримни, араб-турк машойихларининг дурдоналарини ёд олар, беҳад жарангдор ва ёқимли овози кишиларни ўзига ром этар, дилларга завқ-шавқ бағишларди.

Темурбек ўз даврининг буюк алломаси бўлиши мумкин эди, аммо у яшаган давр ёш бола қалбига таъсир этмасдан қолмади. Баъзи муаррихлар уни ўз хоҳиши билан ҳарбий ўйинлар ўйнаган, дея енгил-елпи фикрлар атрофида ўралашадилар. Турон болалари қадим-қадимдан нафақат «уруш-уруш» ўйинини, балки чиллак, қулоқчўзма, кўпқари, қураш ва бошқа халқ ўйинлари билан ҳам машғул бўлганлар. Темурбек халқ сайлларида “Пойга”, “Оқ суяк”, “Подшоҳ-подшоҳ”, “Чуркес”, “Такаловлов” каби ўйинларда доим тенгқурларини енгиб қолиб бўлган ва эл олқишини олган.

Бўлажак Соҳибқиронга Баҳодир Барлоснинг навқари Ҳаққул полвон, тоғаси Абдулла мерганлар унга қураш, югириш, тош кўтариш ва югиришни ўргатишган.

<sup>23</sup> Т. Ҳайит, Ф. Набиева. Буюк амир ўғитлари. Т., 2003, Б.23

Темурбек чавандозликни, ўнг ва чап кўлларида килич чопишни, Амударёда сузишни яхши кўрган, тўртта шахмат доскасида дона сурган, киликка кирган уа Ёпи элик йигитга бас келган.

Темурбекнинг бакуват ва полвон бўлганлигини ҳозирги Яккабоғ тумани Хўжа Илгор кишлоғидаги “полвонтош” ҳам исботлайди. Кўкимтир рангда тўртбурчак, сал узунчиқ йўниланган бу тошнинг оғирлиги 96 килограмдир. Ривоят қилишларича, Темурбек полвонтошни шу ердан тепаликка олиб чиқиб тушган, кўлларида ўйнатган. Байрам ҳайитларида йигитлар полвонтошни кўтаришган. Ҳозир ҳам мазкур полвонтош сақланмоқда (Ж.Тўхлиев. Темурбек кўтарган тош. Қарши 2018)

Темурбек ёшлиқдан чавандозлик, киличбозлик, сувда сузиш, кураш тушиш машқлари билан танасини чиниктирган бўлса, илм билан ҳам ўзини зийнатлади ва у ҳеч қачон уч маротаба кўл ювмасдан туриб, китобни ушламас эди. У «Китоб (битик) барча бунёдкорлик, ярагувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир», деб бот-бот таъкидларди. Темурбек ўз тенгқурлари орасида анча юксак истеъдодли бўлган. Каттиккўлиги, кўркмаслиги ва тадбиркорлиги, сезгирлиги билан тенгдошларидан алоҳида ажралиб турган. Ёшлигидан тенгқурлари, ҳатто катталарни ҳам ўзига жалб этган. Темурбек 12 ёшгача тенгқурлари ичида устун бўлса, сўнгра ундаги салтанат тахти сари ҳукмдорлик, жахонгирликка тайёрланиш фазилатлари шакллана бошлаган. Амир Жоку, Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Қутб кабилар мураббийлик қилишган.

Темурбекнинг ёшлиги чингизийларнинг мустамлакачилик йилларига, оғир даврларга тўғри келди. Зулм исканжасида бўғилган эли, вайрон бўлган Ватани озодлиги учун у харбий дунёга юз буришга мажбур эди. Темурбекнинг яна бир истеъдоди — ёш йигит умр йўлини, максadini, йўналишларини тўғри белгилай олди, инсон учун бу жуда муҳим жиҳатлардир. Айримлар эса умр бўйи ўз йўлини тополмай, ҳаёт сўкмоклари, чангалзорлари аро сарсон-саргардон кезиб, охир-оқибат хароб бўладилар. Темурбекнинг яна бир хислатини — дўстлар танлай билиш одатини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз, зеро унинг қирқ нафар тенгдоши ўзига ўхшаган довюрак, замонни тушунадиган, эл-юрти учун жонини берадиган йигитлар эди.

Амир хожи Сайфиддин, Умар Аббос, Жоку Барлос, Идику Темур, амир Сулаймон, амир Довуд Барлос, Амир Муайят Барлослар ўша замон вазир ва амирларининг фарзандлари бўлиб, Темур билан бирга юрт озодлиги учун курашишга касамёд қилган эдилар.

Сохибқироннинг харбир фарзандивана бираси отда юриш, киличбозлик, ўк-ёйдан фойдаланиш, арконтортиш, сузиш, югириш ҳамда бошқа жисмоний

машқларни пухта ўзлаштирган. Бошқача айтганда, уларнинг бўш ва бекорчи бўлиб юришларига ёл кўйилмаган.

Темурбек ҳаётида 12 ёшдан бошлаб жиддий таълим тарбия ҳамда давлат бошқарувиغا пухта тайёрланган. Масалан, Мирзо Улугбекка балоғат ёшигача Шох Малик оталик этиб белгиланган эди.

Сохибқирон ўз ўтигларида ҳам инсонларни жисмоний камолотга чорлаган: “Бел ушлаганда отангни аяма”, “Билаги зўрни — бирни йикар, билими зўр - мингни”.

Испания элчиси Руи Гонсалесде Клавихо 1404 йил 13 октябрда Амир Темур саройидаги тантаналарида кураш уюштирилганлигини баён этган: “Шахзода (яъни Пирмухаммад) олдида калта, енгсиз чарм камзул кийган икки киши кураш тушар, бир бирини йиқитолмасди. Пирмухаммад: икки кишидан бири иккинчиси йиқитиб, туришга йўл кўймай узок вақт босиб турди. Айтишларича, йиқилган киши бирдан туриб кетса, унинг енгилгани инобатга олинмасди” (Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т., 2010, Б.178).

Хуллас, Темурбек ёшлигидан ақлли, зийрак ва доно бўлиб ўсган. Унинг ҳар томонлама камолотга етишида ота-онаси, шунингдек, ўз даврининг эътиборли ва машҳур сиймолари, алломалари, таълим-тарбияси катта роль ўйнаган. Шу боисдан ҳам Темурбекнинг ёшлик давридаги таълим-тарбия ва жисмоний камолоти соҳасидаги фазилатлари ҳозирги даврда ҳам ёшларимиз учун ибрат намунаси бўлиб қолади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 310-бет.

TA'SIR KO'RSATUVCHI OMILLAR. Uyimizdagi yovuz «muallim» Ulug'bek Ro'zibekov, Davron Burguthboyev. INTERNETDAN HUJUM. Informatcion terrorizm Aspida mulohazalar	83
ANZO'YI MUHITIGA TA'SIRI Anzuratifik Valiev, Ulmas Temirov. ФАРРУХ РАХИМОВ. ИНФОРМАЦИЯ КАК ОРУДИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ АТАКИ	88
Mirkarim Raimdjanov. AXBOROT XURUJLARI VA ULARDAN YOSH AVLODNI HIMOYA QILISH	93
Ulug'bek Mirzahamdamov, Ulug'bek Ma'murov, Muhammadali Usmonov. AXBOROT DAVLAT VA JAMIYAT RIVOJLANISHINING MUHIM OMILIDIR	95
A'lonirzo Baboev, Yo'lchi Abdullayev. AXBOROT-PSIXOLOGIK XURUJ VA MA'NAViy TAHDID	97
Nodira Akayeva, Adham Usmonov. YURT UCHUN FIDOIY BO'LISH - BUGUNGI KUN TALABI	100
Sherzod Abdurahmonov, Xusen Safoyev. "CHAQIRUVGA QADAR BOSHLANG'ICH TAYYORGARLIK" FANINI O'QITISH ORQALI YOSHLARNI HARBIY VATANPARVARLIK RUHIDA TARBiyALASH	103
Shukurillo Yuldashev. HARBIY ISH ASOSLARI O'QUV BO'LIMI AMALIY MASHG'ULOTLARINI O'TKAZISHDA "HAMKORLIKDA ISHLASH" USULIDAN FOYDALANISH	106
N Qolqanov, R. Tashpulatov, S. Qalqanova. YOSHLARDA VATANPARVARLIK FAZILATINI TARBiyALASHDA INSONPARVARLIK G'OYALARINING AHAMIYATI	111
A. Turaxanov. YOSHLARDA HARBIY VATANPARVARLIK HISSINI TARBiyALASHGA ZAMONAVIY YONDASHUV	114
A. Boltaboyev. YOSHLAR ONGIGA VATANPARVARLIK VA FIDOIYLIK TUYG'ULARINI SINGDIRISH MASALALARI	116
Aziz Muxammadov, Muzaffar Xasanov, Anvar Esonov. ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ В ШКОЛЕ	118
Ruslan Amanov, Ithom Egamberdiev. SOHIBQIRON AMIR TEMURNING JANG SA'NATINI HOZIRGI ZAMONAVIY HARBIY KADRLARNI TAYYORLASHDAGI AHAMIYATI	122
Ochil Bo'riyev, Asilbek Xo'jayorov, Ruslan Amanov. CHAQIRIQQACHA YOSHLARNI TAYYORLASHDA AMIR TEMUR MEROSINING AHAMIYATI	128
Шухрат Дурменов, Азиз Миразизов. ХАРАКТЕРИСТИКА СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ ОФИЦЕРСКИХ КАДРОВ ИНОСТРАННЫХ АРМИЙ	132
R. Minlishev, X. Ergashev. HARBIY XIZMATCHILARNING BARKAMOL AVLODNI TARBiyALASHDAGI O'RNI VA ROLI	136
Asliddin Uzoqov, Furqat Jumayev. OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINING VATANPARVARLIK DARAJASINI BAHOLASH MEZONLARI	141
Anvar Esanov, Erkin Mamarizayev. PSIXOSIMULYATORLARNING HARBIY HARAKATLARGA TA'SIRINI O'QUVCHILARGA O'RGATISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	144